

С.Э. Холмуродов,
иқтисод фанлари номзоди, доцент,
ТДИУ

АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН БАНД ҚИЛИШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ

Республикамызда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни жонлантириш, тадбиркорлик субъектларини янада кўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларнинг узвий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2011 йилнинг «**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили**» деб эълон қилиниши ушбу соҳани янада ривожлантириш учун замин яратиб мамлакат иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этди.

Мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди. Ўзбекистон Республикасида меҳнатга лаёқатли ёшдаги фуқаролар бутун аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этиб, уларнинг сони йил сайин кўпайиб бормоқда.

Жаҳон тажрибасига кўра, бозор муносабатларининг ривожланиши ўз ичига меҳнат ресурслари, иш билан бандлик муаммосини ҳам мужассамлаштиради. Бу, айниқса, юқори демографик ўсишга эга бўлган, иқтисодиётни эркинлаштириш сиёсати ҳамда таркибий ўзгартиришларни амалга оширувчи мамлакатлар учун муҳим. Айнан шу ерда ортиқча иш кучини жадал тарзда ишдан озод бўлиши ҳамда иш излаётган шахслар сони кўпайиши кузатилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистондаги меҳнат бозорининг бугунги ҳолатини тадқиқ этиш ва шу асосда келгусида янги иш ўринларини яратиш орқали иш билан бандлик даражасини оширишни талаб этади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлиги динамикаси (минг киши)

Кўрсаткичлар	Йиллар					2010 йилда 2005 йилга нисбатан ўзгариши, %
	2005	2006	2008	2009	2010	
1	2	3	4	5	6	7
Жами аҳоли сони	26167,0	26488,2	27555,3	28000,8	28466,4	108,7

1-жадвал давоми


1	2	3	4	5	6	7
Меҳнат ресурслари сони	14453,2	14816,5	15644,9	16123,6	16504,2	114,2
шундан:						
Иқтисодий фаол аҳоли сони	10224,0	10492,5	11603,1	11929,2	12286,6	120,1
Иш билан банд бўлган аҳоли сони	10196,3	10467,0	11035,4	11327,7	11628,4	114,0

1-жадвалдан кўришиб турибдики, 2005-2010 йиллар давомида республикада аҳоли сони 8,7 %, меҳнат ресурслари сони эса 14,2 %га ўсиб, 2010 йил меҳнат ресурслари умумий аҳоли сонининг 58 %ини ташкил этди. Республикада меҳнат ресурсларининг йиллик ўртача ўсиш суръати 3,0 - 3,5 %га тўғри келмоқда. Шунингдек, меҳнат ресурсларининг 98,5 - 99 % қисми меҳнат ёшидаги меҳнатга лаёқатли аҳолидан ташкил топса, қолган 1 - 1,5 %и ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлардан иборатдир. 2010 йилда иш билан бандлик даражаси иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 94,6 %ни, меҳнат ресурсларига нисбатан эса 70,5 %ни ташкил этди.

Бугунги кунда иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани ҳам ушбу секторнинг ўрин мавқеи юқорилигидан далолат беради. Жумладан 2000 йилда кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 30 %ни ташкил этган бўлса, 2010 йил якуни билан бу кўрсаткич 52,5 %га етди.

Ўзбекистон иқтисодиётида бозор муносабатлари ривожлантирилиши мавжуд меҳнат салоҳиятининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишни талаб этади. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг иш билан бандлиги даражасини баҳолаш заруратини туғдиради. Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу афзалликларидан самарали фойдаланилмоқда ҳамда 2010 йилда иқтисодиётнинг бу секторида 476 мингтадан кўпроқ янги иш ўринлари ташкил этилди.

Расмда кўришиб турганидек, 2007-2010 йиллар давомида республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилган янги иш ўринлари сони бир меъёردа ортиб борган, яъни ўтган тўрт йилда унинг сони 82,6 %га ортган.



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилган иш ўринлари, бирлик.

Аксарият мамлакатларда иш билан бандлик ва унинг кўрсаткичларини белгилаш пайтида **Халқаро Меҳнат Ташкилоти** (ХТМ) тавсияларидан фойдаланилади. Мамлакатимизда ҳам 1993 йилдан бошлаб, ушбу методологиядан фойдаланишга асосий эътибор қаратилган, иш билан бандлик назариясини ишлаб чиқиш борасида эса бой тажрибалар тўпланди.

Иш билан бандлик бозор концепцияси халқаро стандартлари ва Ўзбекистон Республикаси **“Аҳоли иш билан бандлиги тўғрисида”**ги қонунининг янги таҳрири (1998 йил)га кўра, фуқароларнинг шахсий ҳамда жамоат эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ, иш ҳақи бериладиган (меҳнат даромади келтирадиган) фаолиятдир. Бунга кўра, ҳар ким ўз меҳнат қобилиятидан фойдаланиш, ишлаш ёки ишламаслик, доимий, вақтинчалик ёки қисман меҳнат фаолияти, жумладан, тўлов билан боғлиқ бўлмаган ҳолларни ҳам амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Юқоридаги меъёрий ҳужжатларга асосан мажбурий меҳнат ман этилган. Шундай қилиб, иқтисодийётда иш билан банд бўлганлар, ақлий ва жисмоний меҳнатда фаол иштироки билан доимий, вақтинчалик, мавсумий, тасодифий ёхуд бир марталик (эпизодик) бўлишидан қатъи назар, ёлланма ишчилар ёки ҳодимлар ҳисобланади.


Иқтисодийётни эркинлаштириш шароитида амалиётда ҳам, назарияда ҳам гап аҳолининг тўлиқ эмас, балки самарали иш билан бандлиги ҳақида боради. У эса инсонларнинг меҳнатдаги эҳтиёжлари ҳамда бу борада юқори самарадорликка эришиш мақсадида иқтисодийёт ривожланишининг мақбул уйғунлигини кўзда тутди. Аҳоли иш билан бандлигига таъсир кўрсатадиган энг муҳим омилларга аҳоли сони, жинсий ва ёш таркиби, миграцияси, яшаш даражаси, сиҳат-саломатлиги, шунингдек, мулкчилик шакллари, тармоқлар, иқтисодийёт соҳалари бўйича мавжуд бўлган ишчи ўринлари таркиби киради. Бу омилларнинг барчаси

муайян ҳудудий шароитда тадқиқ қилиниши лозим. Иқтисодий, миллий ҳамда бошқа муносабатлар барқарорлиги, аҳолини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат ва ҳудуднинг иш билан бандлик соҳасидаги фаол сиёсати, ишчи ўринлари таркибида ўзгаришларга етарли даражада тез мослаша оладиган ишчи кучининг ҳаракатчанлиги бу шартлардан энг муҳимлари ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасига кўра, бозор муносабатларининг ривожланиши ўз ичига меҳнат ресурслари бандлиги муаммосини ҳам мужассамлаштиради. Бу айниқса, юқори демографик ўсишга эга бўлган, иқтисодий эркинлаштириш сиёсати ҳамда таркибий ўзгартиришларни амалга оширадиган мамлакатлар учун муҳим. Айнан шу ерда ортиқча ишчи кучининг жадал тарзда ишдан озод бўлиши ҳамда иш излаётган шахслар сони кўпайиши кузатилмоқда.

Мамлакатимизнинг ўзига хос шароитида иш билан бандлик муаммоси ечилиши алоҳида ёндашувни талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, **“2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилганини катта мамнуният билан қайд этишимиз лозим. Бу янги ташкил этилган умумий иш ўринларининг 600 мингдан зиёди ёки 65 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжаликларига, 210 мингдан ортиғи касаначидик соҳасига тўғри келади”**.

Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистондаги меҳнат бозорининг бугунги ҳолатини тадқиқ этиш ва шу асосда келгусида янги иш ўринларини яратиш орқали иш билан бандлик даражасини оширишни талаб этади. 2005-2010 йиллар давомида республикада яратилган иш ўринлари сони 520 мингтадан 950,0 мингтага ёки 82,6 фоизга ошган.



Республикада янги иш ўринларини яратиш динамикаси, бирлик.

2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилиб, уларнинг қарийб ярми кичик корхоналар, микрофирмалар

ташқил этиш, уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантириш, якка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, уй-жойларни таъмирлаш ишлари кўламини кенгайтириш ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобидан яратилди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида қатор чора-тадбирлар кўрилаяпти. Хусусан:

- меҳнат қонунчилиги тобора такомиллаштирилиб, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари фаолияти кучайтирилмоқда;

- янги иш ўринлари яратаётган иш берувчилар рағбатлантирилмоқда, уларга солиқ, кредит ва бошқа имтиёзлар берилмоқда;

- меҳнат бозорида иш кучи сифати ва рақобатбардошлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бунинг учун меҳнат ресурсларини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими янада такомиллаштирилмоқда;

- аҳолини иш билан таъминлашнинг энг самарали воситалари бўлган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари янада жадал суръатларда ривожлантирилмоқда;

- аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган тоифалари моддий қўллаб-қувватланмоқда, улар учун иш ўринларини квоталаш тартиби йўлга қўйилди;

- давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан вақтинчалик ва жамоат ишлари ташқил этилмоқда.

- ташқи ва ички миграцияни тартибга солишга эътибор кучайтирилмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида таъкидланган фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши, ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳолини иш билан банд қилиш ва даромадларини ошириш билан бирга юртимиз иқтисодиётидаги улуши янада кўпайиши, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги ва кўламини янада ошириш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ва маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кўпайтиришда кичик бизнес субъектларининг фаол иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.